

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШБОЕВ БЕХЗОД ТОЖИЕВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ
ТАБИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Эшбоев Бехзод Тожиевич

Қашқадарё вилояти топонимларини тадқиқ этишнинг табиий географик
жиҳатлари 3

Эшбоев Бехзод Таджиевич

Физико-географические особенности исследования топонимов
Кашкадарьинского вилоята 21

Eshboyev Bexzod Tojiyevich

Natural geographical aspects of the study of toponyms of Kashkadarya
region 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works 43

**ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ҚАРШИ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЭШБОЕВ БЕХЗОД ТОЖИЕВИЧ

**ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ ТОПОНИМЛАРИНИ ТАДҚИҚ ЭТИШНИНГ
ТАБИИЙ ГЕОГРАФИК ЖИҲАТЛАРИ**

11.00.01 – Табиий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Gr94 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Қарши давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати учта тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.nuu.uz) ва «Ziynet» ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Миракмалов Мирали Туронбоевич
география фанлари доктори (DSc), доцент

Расмий оппонентлар:

Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич
география фанлари доктори, доцент

Низомов Асрор
геология-минералогия фанлари номзоди,
доцент

Етакчи ташкилот:

ЎЗР ФА Сейсмология институти

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Миллий университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил "27" июль соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (+99871) 227-12-24, факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuu@mail.ru. Ўзбекистон Миллий университети, География ва табиий ресурслар факультети).

Диссертация билан Ўзбекистон Миллий университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№33 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100174, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 4-уй. Тел: (+99871) 246-67-71.

Диссертация автореферати 2021 йил «16» июль куни тарқатилди.
(2021 йил «16» июлдаги № 31 рақамли реестр баённомаси).



Н.И.Сабитова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Ш.М.Шарипов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, г.ф.н., доцент

З.Н.Тожиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори PhD диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда халқаро алоқалар ва давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларда географик номлар тобора кўпроқ иштирок этмоқда ҳамда улардан фойдаланишда географик номларнинг халқаро ва миллий стандарт тизимига зарурат ортмоқда. Топонимларни халқаро стандартлаштириш масалаларига БМТ нинг Географик номлар бўйича экспертлар гуруҳи (UNGEGN), Халқаро ономастика фанлари кўмитаси (IGOS), Халқаро стандартлаштириш ташкилоти (ISO) ва бошқалар томонидан катта аҳамият берилмоқда. Жумладан, БМТ нинг Географик номлар бўйича экспертлар гуруҳи (UNGEGN) географик номларнинг кўп тилли халқаро маълумотлар базасини шакллантирган бўлиб, унда 200 дан ортиқ давлат номлари, 3362 та шаҳарлар ва уларнинг таркибидаги 6100 та ном, 900 дан ортиқ аудио файллар жойлаштирилган¹. Ушбу халқаро маълумотлар базаси доимий тарзда такомиллаштирилиб, янгиланиб борилиши талаб этилади ва бу вазифани бажаришда давлатлар ва уларнинг ҳудудлари доирасида топонимик тадқиқотлар олиб боришни ва географик номлар бўйича маълумотлар тўпланишини тақозо этади.

Жаҳон миқёсида халқаро ташкилотлар томонидан географик номларни стандартлаштириш, улардан фойдаланишни такомиллаштириш, географик номларнинг ёзилиши ва талаффузини қатъийлаштириш, географик объектларни номлаш ва қайта номлашнинг аниқ мезонларини ишлаб чиқиш ҳамда унга амал қилиш, ҳужжатларда, хариталарда ва бошқа ишларда номларнинг бир хиллигини таъминлаш, стандартлаштирилган терминлардан фойдаланиш муаммоларига устувор аҳамият берилмоқда. Шунингдек, ҳудудий топонимик тадқиқотлар олиб бориш, географик номларнинг халқаро ва миллий базасини яратиш, уларнинг умумий тизимини таҳлил қилиш, географик хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқотлар олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Республикамизда географик жой номларини ўрганиш, улардан тўғри ва самарали фойдаланиш, географик номларнинг давлат реестрини тузиш, уларнинг ёзилиши ва талаффузини қатъийлаштириш ҳамда муҳофаза қилиш ишлари бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида “географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш”² масаласи муҳим вазифа сифатида белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, Қашқадарё вилояти топонимларини табиий географик жиҳатдан тадқиқ қилиш, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш юзасидан аниқ таклифлар ишлаб чиқиш

¹ <https://unstats.un.org/unsd/geoinfo/geonames>

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони.

ва топонимик хариталаштириш, географик номлардан фойдаланишни янада такомиллаштиришга йўналтирилган тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон “Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” ва 2020 йил 29 январдаги 40-сон “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” ва VIII. “Ер ҳақидаги фанлар” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Топонимиканинг умумий назарий ва методологик асослари хорижий топонимик тадқиқотларда Н.Kerfoot, M.Burrill, G.Stewart, O.Ostermann, P.Perdana, Я.Чу, Э.Мурзаев, Е.Поспелов, В.Никонов, В.Жучкевич ва бошқа шу каби олимлар томонидан ёритилган бўлса, жой номларининг ҳудудий географик хусусиятлари W.Handcock, F.Giraut, D.Silva, B.Helleland, Н.Беленов, Э.Березович, М.Горбаневский ва бошқаларнинг тадқиқотларида ўз аксини топган.

Ўзбекистон топонимиясини географик жиҳатдан ёритилишида Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, П.Ғуломов, Қ.Сейтнийзов, М.Миракмалов, Қ.Ҳакимов, Т.Нафасов, Ю.Аҳмадалиев, А.Низомов, А.Маматовларнинг ишларини алоҳида қайд этиш мумкин. Жумладан, Ҳ.Ҳасанов топонимларнинг пайдо бўлиш қонуниятлари, назарий асосларини халқаро ва маҳаллий номлар мисолида изоҳлаб берган бўлса, С.Қораевнинг тадқиқотлари топонимларнинг номланиш ва шаклланиш қонуниятлари, Ўзбекистон ойконимларининг семантик таҳлилига бағишланган.

П.Ғуломов, М.Миракмалов, Т.Нафасов, А.Низомовларнинг илмий тадқиқотлари халқ географик терминлари, уларнинг турлари ва манбалари, терминларнинг тўғри ёзилиши, талаффузи ва таржимаси, топонимлар ҳосил бўлишида терминларнинг тутган ўрни, Ўзбекистон топонимларининг табиий географик хусусиятлари ҳамда географик лингвистика масалаларини ёритишга бағишланган бўлса, Қ.Сейтнийзов, Қ.Ҳакимов, Ю.Аҳмадалиев ва А.Маматовларнинг тадқиқотлари топонимларнинг ҳудудий географик хусусиятларини очиб беришга қаратилган. Аммо Ўзбекистоннинг ҳудудий топонимиясига бағишланган географик тадқиқотлар сони жуда кам. Шунингдек, Қашқадарё вилояти топонимлари географик жиҳатдан комплекс тадқиқ қилинмаган, географик объектларнинг ҳудудий жойлашиш ва

номланиш жиҳатлари етарлича ёритилмаган, вилоятнинг мавзули топонимик хариталари яратилмаган. Мазкур тадқиқот топонимларни тадқиқ этишнинг табиий географик жиҳатларини Қашқадарё вилояти топонимлари мисолида аниқлаш масалаларига устувор аҳамият берилганлиги билан аввалги тадқиқотлардан фарқ қилади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Қарши давлат университети илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ № ИОТ-2014-5-36 “Қашқадарё вилоятининг экологик, атроф-муҳит муҳофазаси ва ичимлик сувлар сифати бўйича яратилган карталарини амалиётга жорий этиш” (2014-2015 йй.) мавзусидаги инновацион лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қашқадарё вилояти топонимларининг ҳудудий тарқалиш ва номланиш хусусиятларини асослаш ҳамда географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Қашқадарё вилояти топонимларининг табиий географик жиҳатларини ўрганиш, уларнинг тарқалиш ва номланиш хусусиятларини аниқлаш;

вилоят топонимларининг турлари, номланиш қонуниятлари ва географик хусусиятлари асосида топонимларнинг шаклланишида табиий географик терминларнинг ролини асослаш;

вилоят топонимларини давлат экспертизасидан ўтказиш ва қатъийлаштиришга хизмат қиладиган мавзули топонимик хариталарни яратиш;

вилоят географик объектларини номлаш ва қайта номлаш бўйича илмий асосланган топонимик каталогни ишлаб чиқиш;

топонимларни миллий қадрият сифатида муҳофаза қилиш заруриятини илмий асослаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қашқадарё вилояти топонимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Қашқадарё вилояти топонимларининг табиий географик жиҳатлари, уларнинг таснифи, ҳудудий тарқалиш ва номланиш хусусиятлари, географик объектларни номлаш ва қайта номлаш бўйича илмий асосланган топонимик каталогни ишлаб чиқиш масалалари ҳисобланади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишида географик таққослаш, тарихий қиёслаш, картографик, ҳудудий таҳлил, этимологик, гуруҳлаштириш, экспедиция, анкета-сўров, картотека методларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Қашқадарё вилояти топонимларининг ҳудудий тарқалиш ва номланиш (топонимик позитивлик, нисбий негативлик, ўзлашма номлар, топонимик конверсия ва трансонимизация) жиҳатлари аниқланган ва улар негизида учта гидронимик ҳудуд шаклланиш асосланган;

вилоят топонимларининг турлари (ороним, потамоним, лимноним, комоним, полисоним), номланишининг географик хусусиятлари (орографияси, геологик тузилиши, гидрографияси) асосида топонимларнинг шаклланишида табиий географик терминларнинг роли асосланган;

вилоят топонимларини давлат экспертизасидан ўтказиш ва қатъийлаштиришга хизмат қиладиган географик объектларнинг номлари каталоги, уларнинг изоҳи ва туркум хариталари (“Қашқадарё вилояти гидронимлари харитаси”, “Фитотопонимлар ва зоотопонимларнинг тарқалиш харитаси”, “Қашқадарё вилояти оронимлари харитаси”, “Қашқадарё вилояти ойконимлари харитаси”) ГАТ технологияси асосида яратилган;

Қашқадарё вилояти топонимларини қайта номлаш бўйича ишлаб чиқилган топонимик каталог асосида географик объектларга ном бериш ишларини мониторинг қилиш ва стандартлаштириш такомиллаштирилган.

Тадқиқот ишининг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

вилоят топонимияси бўйича тўпланган материаллар, хулосалар ва умумлаштирилган фикрлар асосида топонимларнинг табиий географик жиҳатлари аниқланган;

географик объектларнинг номланиш жараёнида ҳудуднинг географик хусусиятлари ва номдан фойдаланишнинг ижтимоий аҳамияти етакчи омил эканлиги илмий асосланган;

Қашқадарё вилояти топонимларининг ҳудудий таркиби, турлари, ясалиш шакллари, ареаллари, халқ терминларининг иштироки ва қўлланилиш шакллари акс этган мавзули хариталар яратилган;

вилоят топонимларидан фойдаланишни стандартлаштириш, географик объектларни номлаш, қайта номлаш ҳамда муҳофаза қилиш юзасидан илмий-амалий таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Диссертация иши натижалари ва хулосаларининг ишончлилиги унда Республика топонимика хизмати ва ҳудудий комиссиялар маълумотларидан, илмий манбалардан, йирик масштабда топографик хариталардан, географик объектларнинг номлари давлат реестри маълумотларидан фойдаланилганлиги билан белгиланади. Шунингдек, мазкур тадқиқот давомида тадқиқотчи томонидан дала ва камерал тадқиқотларнинг олиб борилганлиги, назарий ишланмалар, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг ишлаб чиқилганлиги ва олинган натижаларнинг амалиётга жорий қилинганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, тадқиқот давомида географик номларни тўплаш, топонимларнинг ҳудудий тарқалиш ва номланиш хусусиятларини аниқлаш, мавзули топонимик хариталарни яратишда қўлланилган методологик ёндашувлардан келажакда бошқа ҳудудлар топонимиясини илмий-амалий жиҳатдан ўрганишда фойдаланилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, унда ишлаб чиқилган хулоса ва тавсиялардан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаменти Атамашунослик ва топонимик объектларга ном бериш фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими

хамда ҳудудий комиссиялар фаолиятида географик номларни стандартлаштириш, улардан фойдаланишни такомиллаштириш, жой номлари транскрипцияси, транслитерацияси ва тўғри ёзилиши, geonames.uz географик объектларнинг номлари ахборот веб-порталида Қашқадарё вилояти жой номларига тегишли қисмини бойитиш ва такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қашқадарё вилояти топонимларини тадқиқ этишнинг табиий географик жиҳатлари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Қашқадарё вилояти топонимларининг ҳудудий тарқалиш ва номланиш жиҳатларига асосланган хулосалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментида вилоят географик объектларини номлаш ва қайта номлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2021 йил 19 апрелдаги 30-11-03-сон маълумотномаси). Натижада, географик объектларни номлаш ва қайта номлашда маҳаллий аҳоли турмушининг географик, тарихий, миллий, этник ва бошқа хусусиятларига, Ўзбекистон халқининг миллий анъана ва қадриятларига мос бўлишига эришиш имконияти яратилган;

вилоят топонимларининг шаклланишида табиий географик терминларнинг ролини аниқлашда топонимларнинг турлари, номланиш жиҳатлари ва географик хусусиятларига асосланган натижалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментида қонун ҳужжатларига мувофиқ илмий асосланган географик ном ва атамаларнинг миллий муқобилларини яратиш ва бир хилда қўлланилишини таъминлашда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2021 йил 19 апрелдаги 30-11-03-сон маълумотномаси). Натижада, ҳудудий комиссиялар фаолиятида географик объектларнинг тўғри ёзилиши ва талаффузини стандартлаштириш имконини берган;

вилоят топонимларини давлат экспертизасидан ўтказиш ва қатъийлаштиришга хизмат қиладиган географик объектларнинг номлари каталоги, уларнинг изоҳи ва туркум хариталари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментида топонимик ва бошқа тадқиқотлар ўтказиш, картографик, тарихий ва бошқа материалларни атрофлича ўрганиш, географик объектларнинг номларини мақбуллаштиришда жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2021 йил 19 апрелдаги 30-11-03-сон маълумотномаси). Натижада, жой номларининг географик хариталарда ва бошқа расмий ҳужжатларда бир меъёردа қўллашни мувофиқлаштириш имконини берган;

Қашқадарё вилояти топонимларини қайта номлаш бўйича ишлаб чиқилган топонимик каталог Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Давлат тилини ривожлантириш департаментида географик объектларга ном бериш ишларини мониторинг қилиш ва

стандартлаштиришда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментининг 2021 йил 19 апрелдаги 30-11-03-сон маълумотномаси). Натижада, географик объектларга ном бериш ва қайта номлаш ишларини такомиллаштириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур ишнинг тадқиқот натижалари 4 та халқаро ва 13 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 25 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда чоп қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, шартли белгилар ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси акс эттирилган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилиниб, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг таркибий тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Қашқадарё вилояти топонимларининг ўрганилиш тарихи ва умумий тавсифи”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистон, хусусан, Қашқадарё вилояти топонимиясининг географик жиҳатдан ўрганилиши, қадимий қўлёзма асарларда, хорижий ва маҳаллий олимларнинг тадқиқотларида Қашқадарё вилояти топонимларига доир олиб борилган тадқиқотларга эътибор қаратилган. Наршахийнинг “Бухоро тарихи”, аноним асар бўлган “Худуд ул-олам”, Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг “Бобурнома”, Шарафуддин Али Яздий ва Низомиддин Шомийнинг “Зафарнома”, Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллонома”, Мирзо Улуғбекнинг “Тўрт улус тарихи”, Абулғозийнинг “Шажарайи турк”, Абу Тоҳирхўжанинг “Самария” ва бошқа шу каби асарларида вилоят топонимларининг айримлари ҳақида фикр юритилган, баъзан этимологик талқини келтирилган, изоҳлар берилган. Жумладан, “Зафарнома” асарида XIV аср ва XV асрнинг бошларига тегишли бўлган бой географик маълумотлар келтирилган бўлиб, шу давр оралиғига оид Қашқадарё заминидagi географик жой номлари ҳақида маълумот берувчи ҳеч бир асар “Зафарнома” асари сингари топонимик жиҳатдан бой маълумотга эга эмас.

Қашқадарё вилояти жой номларига оид тадқиқотларда Ҳ.Ҳасанов, С.Қораев, Т.Нафасовларнинг илмий асарлари, назариялари, амалий аҳамиятга молик ишлари топонимик тадқиқотларда муҳим аҳамият касб этади, шу туфайли мазкур тадқиқот ишининг олиб борилишида уларнинг бой илмий мероси таянч маълумотлар манбаи вазифасини бажарди.

Шунингдек, мазкур бобда вилоят топонимларнинг изоҳи, номланиш ва ясаиш шакли, келиб чиқиши, маъно-мазмуни, транскрипцияси, жой номларининг тарқалиш хусусиятлари, этник бирликлар ва уларнинг географик жой номларига ўтиш ҳолати, халқ географик терминларига доир маълумотлар келтирилган. Вилоят топонимларига оронимлар, гидронимлар ва ойконимлар мисолида умумий тавсиф берилган, табиий географик хусусиятлари аниқланган ҳамда топонимлар географик жиҳатдан таснифланган, географик номларни таснифлашда хорижий ва маҳаллий олимларнинг илмий қарашлари ва назариялари ўрганилган, Ҳ.Ҳасанов, П.Ғуломов, М.Миракмалов, Ю.Аҳмадалиев ва Т.Нафасовларнинг таснифлаш ишларидан фойдаланиб, вилоят топонимлари турларга ажратилган.


Диссертациянинг **“Қашқадарё вилояти топонимларининг табиий географик жиҳатлари”** деб номланган иккинчи бобда вилоят топонимияси таркибида жойнинг географик ўрни ва табиий географик хусусиятлари, рельефи ва фойдали қазилмалари, иқлими ва ички сувлари ҳамда тупроқлари, ўсимликлари ва ҳайвонот дунёси билан боғлиқ номларнинг ҳудудий тарқалиш ва номланиш (топонимик позитивлик, нисбий негативлик, ўзлашма шомлар, топонимик конверсия ва трансонимизация) хусусиятлари аниқланди, ҳар бир келтирилган номларнинг этимологияси асосида уларнинг табиий географик жиҳатлари ўрганилган.

Қашқадарё вилояти топонимларининг таркибида географик ўрнига кўра номланган топонимлар нисбатан кичик (локал) ҳудудларга нисбатан номланган бўлиб, уларнинг аксарияти оронимлар, гидронимлар ва ойконимлар кўринишида намоён бўлади. Тадқиқот ишида географик ўрнига боғлиқ номлар оронимлар, гидронимлар ва ойконимлар мисолида ўрганилган ва географик хусусиятлари аниқланган. Вилоят ҳудудида мавжуд бўлган табиий географик объектлар, жумладан, йирик рельеф шакллари ва сув объекти номларининг ҳар бири топонимик, этимологик, географик жиҳатдан тадқиқ этилган, топонимларнинг этимологияси аниқланган. Шунингдек, Қашқадарё вилоятининг 1:200 000 масштабда топографик харитаси маълумотлари ва унда берилган 587 та оронимлар таҳлили асосида улар 14 та гуруҳга ажратиб ўрганилган.

Қашқадарё вилояти топонимларининг ҳосил бўлишида табиий географик терминларнинг роли катта. Шу туфайли вилоят топонимларининг турлари (ороним, потамоним, лимноним, комоним, полисоним), номланиш қонуниятлари ва географик хусусиятлари (орографияси, геологик тузилиши, гидрографияси) асосида топонимларнинг шаклланишида иштирок этган табиий географик терминларнинг роли асослаб берилган. Вилоятда *тов, тоғ, тош, санг, газа, тепа, адир, ўр, дўнг, қир, қиз/қуз, байир, талл, кўх, доvon, бел, кам, овга, ошув, дара, камар, даҳана, қопчиғай, жар, сирт, қоя, ширам,*

чўққи, учма, қат, қатов, дапсан, асқар, қовоқ, қум, сингир, суйри, чағат, гўрим, гиланг, тахта, ҳовар, гов, сой, зов, нов, ўра, дўлта, жорма, жирғанак, чоҳ, тағоб, чуқур каби халқ географик терминлари вилоят оронимларида фаол иштирок этган (1-расм).


Қашқадарё вилояти оронимлари таркибида адабий тил нормаларидан чекинган ҳолда шевавий шаклларда талаффуз қилинадиган номлар кўпчиликни ташкил этади. Масалан, тоғ сўзи *тов*, *тош* шаклида, тоғ қирраси, чўққи ўрнида *газа*, довон термини ўрнида *бел*, тепалик, қир термини ўрнида *ўр* сўзлари ишлатилади. Бутун республикамиз ҳудудида кузатилгани каби, Қашқадарё вилоятида ҳам “тепа” термини жой номлари ясалишида фаол қўлланилган. Айтиш мумкинки, “тепа” термини жой номлари ясалишида “обод”, “сой” терминлари каби энг фаол топонимик индикатор вазифасини бажариб берган. Вилоятда “тепа” термини иштирокидаги топонимларнинг умумий сони 219 тани ташкил этади.



1-расм. Қашқадарё вилояти топонимларини ҳосил қилган орографик терминларнинг ҳудуд топонимларидаги улуши (сони)

Қашқадарё вилоятида “тош” термини иштирок этган топонимлар сони 70 дан ортиқ. Вилоят топонимиясида “тоғ” термини фақат оронимлар учун хос бўлиб, бирорта аҳоли пункти номланишида иштирок этмагани ҳолда, “тош” термини ороним ва ойконимларда фаол қўлланилган.

Қашқадарё вилояти топонимлари таркибида иштирок этган табиий географик терминлар аксар ҳолларда оронимлар ва ойконимларда фаол қўлланилган. Уларнинг иштироки гидронимларда ва бошқа турдаги топонимларда нисбатан нофаол эканлигини кузатиш мумкин. Жумладан, “тепа” термини 127 марта оронимда, 75 марта ойконим таркибида иштирок этгани ҳолда, гидронимларда атиги 3 марта, бошқа турдаги топонимларда жами 14 марта иштирок этган. Шунингдек, “тош” термини иштирок этган топонимларнинг 83 фоизи, “дара” термини иштирок этган топонимларнинг 94 фоизи ороним ва ойконимлардан иборатдир (2-расм).



2-расм. Қашқадарё вилояти топонимлари таркибидаги орографик терминларнинг топонимлар турларидаги улуши

Қашқадарё вилояти оронимларининг таркиб топишида ҳам табиий географик терминлар фаол иштирок этган. Вилоятдаги жами мавжуд оронимларнинг 1/3 қисмига яқини “*тена*” ва “*сой*” терминлари асосида ҳосил бўлган. Шунингдек, “*тов*”, “*булоқ*”, “*тош*”, “*кўл*”, “*жар*”, “*қудуқ*” терминлари ҳам оронимларда кўп қўлланилган. Бажарилган тадқиқот натижалари асосида яратилган “*Қашқадарё вилояти оронимлари харитаси*”да вилоят оронимларининг ҳудудий тарқалиш ва номланиш хусусиятлари, табиий географик терминларнинг роли акс эттирилган.

Вилоятда минераллар ва уларнинг конлари номи билан боғлиқ топонимлар асосан икки хил шаклда ҳосил бўлган. Биринчи шаклда топонимлар маълум бир турдаги минераллар, конлар номидан ҳосил бўлган бўлса, иккинчи шаклда бирор турдаги минералларни қазиб оладиган ёки унга ишлов берадиган касб эгалари номи асосида топонимлар ҳосил бўлган.

Қашқадарё вилояти гидронимлари тизимида муҳим компонент бўлиб қатнашувчи терминлар системаси, бошқа туркий тиллардаги тавсифи, гидроним ясалишдаги ўрни, морфема таркиби ва ясалиш моделларини тадқиқ қилиш муҳим назарий ва амалий аҳамиятга эга. Вилоят гидронимлари таркибида *сой*, *булоқ*, *сув*, *дарё* терминлари энг фаол иштирок этган. Қашқадарё вилояти гидронимларининг ясалишида табиий географик терминларнинг роли катта. Халқимиз қадимдан географик объектларни номлашда уларнинг табиий географик хусусиятларига кўпроқ эътибор беришган. Жумладан, сувнинг хусусиятидан келиб чиққан ҳолатда номланган гидронимлар улар ҳақида муҳим маълумотлар бериб туради.

Қашқадарё вилоятининг тупроқ ва унинг хусусиятига боғлиқ топонимлари *бўз*, *шўр*, *лалми*, *лой*, *ботқоқ*, *тақир*, *тош*, *қум* терминлари асосида ясалган бўлиб, маҳаллий халқларнинг қадимдан деҳқончилик билан шуғулланганликлари, ерни ўзлаштиришдаги соҳибкорлиги ва бошқа шу каби фаолиятлари туфайли ерга, тупроққа бўлган кучли эътибори, ижтимоий муносабати натижасида шаклланган. Вилоятда тупроқ билан боғлиқ бўлган

номлар уларнинг турли хусусиятини топонимлар орқали ифода этган, деҳқончиликдаги аҳамияти ёритилган.

Вилоят табиатига хос ҳолатда Юқори Қашқадарё (тоғ ва тоғолди) ва Қуйи Қашқадарё (текислик ва чўл) ҳудуди фитотопонимлари бир-биридан фарқ қилади. Вилоятнинг тоғ ва тоғолди ҳудудлари, адирларида ўсимликлардан, дарахтларнинг бир неча турлари, бута ва бутасимонлар ва шунингдек, доривор ўт ўсимликлари номлари асосида яратилган топонимлар кўп. Чўл ҳудудларида ўсимликларнинг чўлга хос ксерофит ва галофит ўсимликлари, буталар, эфемер ва эфемероид ўт ўсимликлари номлари *нисбий негативлик қонунияти* асосида фитотопонимлар ҳосил қилган бўлса, воҳа ҳудудларида *ўзлашма номлар қонунияти* асосида шаклланган фитотопонимлар бирмунча кўпчиликти ташкил қилади. Вилоятда ўсимлик номлари билан боғлиқ топонимлар аксар ҳолларда ойконимлар учун хос бўлиб, микротопонимлар ясалишида фаол иштирок этади. Қашқадарё вилоятининг тоғолди адирли ҳудудларида дарё, сой сувлари ёз ва куз фаслларида камайиб, баъзилари куриб қолади. Бундай ҳудудларда жойлашган яшаш масканлари аҳолисининг кўпчилиги бу пайтларда яқин атрофдаги булоқлардан сув манбаи сифатида фойдаланади. Маҳаллий аҳоли яшаш тарзи учун булоқларнинг аҳамияти ортади. Шу туфайли булоқлар шу ҳудуднинг асосий манзилларидан бири сифатида унга махсус ном берилади, яъни атрофдаги ҳамма жойда доимий сув манбаи бўлмаганлиги туфайли дарахт ва буталар йўқ бўлган бир пайтда булоқ атрофида ўзига хос ўсимлик олами вакили мавжуд бўлади. Бунда булоқлар ёнида, атрофида ўсган ўсимликлар номи географик объектга ном беришга асос бўлиб хизмат қилади. *Нисбий негативлик* қонунияти асосида шу ҳудуд, булоқ атрофи учун хос бўлган, шу каби ўсимликлардан ажралиб турадиган, белги бўлиб турадиган ўсимлик номи танланади ва топоним ҳосил бўлади. Олинган натижалар асосида Қашқадарё вилоятининг “*Фитотопонимлар ва зоотопонимларнинг тарқалиш харитаси*” яратилган.

Олиб борилган тадқиқотлар натижасида йиғилган 216 та зоотопонимлар таҳлили шуни кўрсатадики, вилоят ҳудудидаги зоотопонимларнинг ярми, яъни 108 таси маълум бир турдаги ҳайвонот олами вакиллари номи тотем сифатида дастлаб этнонимларга ва кейинчалик жой номларига ўтган. Ҳайвонларнинг тасвири ёки бирор белгисидан *тотем* (миллий рамз, муҳр) сифатида фойдаланишган ва бунинг натижасида кўплаб ҳайвонлар номи топоним ясалишида асосий зоосимвол вазифасини бажариб берган. Қашқадарё вилоятида ҳайвонлар номи билан боғлиқ топонимлар вилоятнинг текислик ва тоғли ҳудудларида, барча туманларда тарқалган, уларнинг иштироки топонимлар таркибида турлича бўлиб, жами зоотопонимларнинг 53 фоизи ойконимлар сифатида шаклланган.

Қашқадарё вилояти зоотопонимларини ҳайвонларнинг турлари ва ижтимоий аҳамиятига кўра шартли равишда 4 та турга ажратиб ўрганилди ва ҳайвонлар номининг топонимлар шаклланишидаги аҳамияти асосланди. 1. *Уй ҳайвонлари номи асосида пайдо бўлган зоотопонимлар. Жами 89 та зоотопоним;* 2. *Ёввойи ҳайвонлар номи асосида пайдо бўлган зоотопонимлар.*

Жами 50 та зоотопоним; 3. Қушлар ва паррандалар номи асосида пайдо бўлган зоотопонимлар. Жами 69 та зоотопоним; 4. Ҳашаротлар номи асосида пайдо бўлган зоотопонимлар. Жами 8 та зоотопоним.

Учинчи боб **“Қашқадарё вилояти географик объектларини номлаш ва қайта номлаш ҳамда уларни муҳофаза қилиш масалалари”** деб номланган бўлиб, унда географик номлар пайдо бўлишининг ҳудудий топонимик жиҳатлари Қашқадарё вилояти мисолида таҳлил қилинган, географик объектларнинг номларидан фойдаланиш, уларни тартибга солиш ва стандартлаштириш, географик объектларини номлаш ва қайта номлаш бўйича топонимик каталог ишлаб чиқилган, уларни миллий қадрият сифатида муҳофаза қилиш юзасидан амалий таклиф ва тавсиялар берилган.

Топонимларнинг номланиш қонунияти бошқа ҳудудлардаги каби Қашқадарё вилоятининг тоғли ва текислик жойларида ҳам бир хил эмас. Қашқадарё вилояти табиий географик объектларининг аксарияти *топонимик позитивлик қонунияти* асосида таркиб топган. Вилоятнинг тоғ ва тоғ олди ҳудудларидаги топонимларнинг шаклланишида ҳудуднинг табиий географик хусусиятлари асосий омил бўлган. Ҳисор, Осмонтарош, Бешнов, Майдонак, Чақчар, Қорасирт, Қоратепа каби кўплаб номлар замирида уларнинг табиий географик хусусиятлари акс этган. Шу билан биргаликда, вилоятнинг тоғ ва тоғ олди шарқий ва шимоли-шарқий ҳудудларида топонимларнинг *зич эканлигини* кузатиш мумкин. Вилоятнинг текислик ва чўллардан иборат марказий ва ғарбий қисми топонимларининг шаклланишида эса *нисбий негативлик қонунияти*, шунингдек, *топонимик конверсия ва трансонимизация қонуниятлари* жой номи шаклланишига асос бўлиб хизмат қилган. Бу ҳудудда топонимларнинг *сийрак жойлашганлиги* хосдир. Қашқадарё вилояти топонимиясида *нисбий негативлик қонунияти асосида* Шўртепа, Чучуккудук, Ёмонжарсой, Текис, Етимчўққи, Ҳоварқишлоқ каби номлар ҳосил бўлган.


Жой номлари ҳосил бўлишида турдош отлардан ҳеч қандай ўзгаришсиз атоқли отлар, топонимлар ҳосил бўлиши конверсия ва бир атоқли отдан бошқа бир атоқли от ҳосил бўлиши трансонимизация қонунияти деб аталади. Қашқадарё вилоятида *топонимик конверсия* қонунияти асосида ҳосил бўлган топонимларга Қарши, Ҳисор, Ғова, Қўриқ, Чандир, Жовуз, Жар, Зах, Кон, Шут кабилар, *трансонимизация* қонунияти асосида Косонтоғ, Майманоктоғ, Ҳисорак ва шунингдек бир қанча каналлар, сув омборлари ва бошқа кўплаб номлар шаклланган.

Юқоридаги келтирилган маълумотлардан шундай хулосага келиш мумкинки, вилоятнинг йирик табиий географик объектларининг номлари тоғли шарқий ва текисликлардан иборат ғарбий қисмларида номланиш қонуниятининг фарқли жиҳатлари мавжуд. Ҳисор ва Зарафшон тоғларининг жануби-ғарбий тармоқлари оронимлари, гидронимлари ва шунингдек, бошқа турдаги топонимларнинг шаклланишида *топонимик позитивлик* қонунияти жой номлари ҳосил бўлишида энг фаол иштирок этган. Вилоятнинг ғарбий қисми географик объектларининг номланишида эса кўпроқ ижтимоий

географик хусусиятлар бош омил вазифасини ўтаган ва *трансонимизация қонунияти* асосида топонимлар шаклланган.

Қашқадарё вилояти оронимлари номланиш жараёнининг ўзига хос хусусияти, мазкур ҳудудда орографик терминларнинг шевавий шакллари ишлатилишидир. Бундай терминлардан *ўр, ўра, бет, шувар, ховар, ширам, газа, қат, чагат* ва шу кабилар жой номларида фаол қўлланилган.

Оронимлар каби вилоят гидронимлари ҳам таркиб топиши, шаклланиши ва тарқалиш хусусиятларига кўра текислик ва тоғли ҳудудларда алоҳида ўхшаш ва фарқли жиҳатларни ҳосил қилади. Тоғли ҳудудларда гидронимларнинг барча турлари шаклланган, текисликларда эса лимнонимлар ва жуда сийрак ҳолда асосан антропоген йўл билан ҳосил бўлган потамонимлар мавжуд. Қашқадарё вилояти гидронимларининг турлари, номланиш хусусиятлари, тарқалиш ареаллари ва бошқа ўзига хос хусусиятларга кўра **учта гидронимик ҳудуд** алоҳида ажралиб туради (3-расм).



3-расм. Қашқадарё вилоятининг гидронимлари харитаси
(хаританинг муаллифлик нусхаси 1:500000 масштабда тузилган)

Қашқадарё вилояти ойконимларининг пайдо бўлиши, яшовчанлиги, лексик таркиби, тарқалиш ареаллари, номланиш хусусиятлари, ижтимоий аҳамияти жиҳатидан ороним ва гидронимлардан тубдан фарқ қилади. Тадқиқот ишида вилоят ойконимларининг пайдо бўлиши ва номланиш ҳамда географик тарқалиш жиҳатлари илмий асосланган ва олинган натижалар асосида “Қашқадарё вилоятининг ойконимлари харитаси” яратилган.

Географик объектларга берилаётган ном шу ҳудуд учун энг аҳамиятли бўлган, табиий ёки ижтимоий аҳамияти жиҳатидан энг хос бўлган жиҳатларни, белгиларни мазмунан акс эттириши, мазкур ҳудуд топонимларининг умумий тизимига мос бўлиши, яъни шу ҳудуд топонимлари номланишининг ҳудудий хусусиятлари асосида номланган, маҳаллий топонимлар номланиши учун хос бўлган сўзлар, терминлар ва кўшимчалардан иборат бўлиши керак. Қисқача айтганда, янги ном тузилиши, мазмуни, талаффузи ва ёзилишида мазкур ҳудуд топонимларига моҳиятан яқин бўлиши, аммо бир хил бўлмаслиги керак. Географик объектларга ном бериш масалалари муҳим маънавий-маърифий ва амалий аҳамиятга эга бўлиб, топоним ўзи шаклланган ҳудуд умумий хусусиятларининг бир қисмини ифодалай олиши ва мафкуравий қарашлардан ҳоли бўлиши керак.

Географик объектнинг номини ўзгартириш зарурати туғилганда мазкур номнинг илмий ва амалий аҳамияти атрофлича ўрганилиши, соҳа мутахассислари томонидан таҳлил қилиниши, шу ҳудуд табиати ва халқ ҳаётида тутган ижтимоий аҳамияти ёритилган ҳолда қарор қабул қилиниши муҳим масала ҳисобланади.

Қашқадарё вилояти аҳоли пунктлари ва уларнинг таркибий қисмларининг номланишида юқоридаги қонун ва қарор талаблари доирасида бажарилиши лозим бўлган талай ишлар мавжуд. Жумладан, вилоят аҳоли пунктларининг номланишида “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасининг еттинчи қисми талабларига мувофиқ бўлмаган ҳолда, туманлар доирасида аҳоли пунктларининг номланишида такрорланишлар кузатилади. Жумладан, вилоятдаги қишлоқларнинг 10 тасида Гулистон номи, яна шунча миқдорда Янгиқишлоқ номи такрорланади. Шунингдек, вилоятдаги қишлоқларнинг 8 таси Янгиобод, Янгиҳаёт, 5 таси Гулобод номлари билан аталмоқда. Қовчин, Қозоқ, Қоратепа, Лангар, Наврўз, Сарой, Истиклол, Қорасув, Керайит, Чимқўрғон, Гулшан, Дўнқишлоқ, Дўстлик, Каттақишлоқ, Янгиарик, Янгибоғ каби қишлоқ номларида такрорланишлар кузатилади.

Вилоят оронимлари таркибида ҳам айрим ҳолларда такрорланишлар мавжуд, жумладан, Гулистон, Бошбулоқ оронимлари Миришкор туманида 2 мартадан такрорланса, Шаҳрисабз туманида Юсуфқўл ороними 3 марта, Дехқонобод туманида Совуқбулоқ ороними 2 марта такрорланади. Гидронимлар таркибида эса Оқсув (7 марта), Қорасув (5 марта), Қуруқсой (4 марта), Говхона, Қоранқўл, Қоратепа, Оқтош (3 мартадан) номлари бир нечта географик объектларнинг номи сифатида қўлланилмоқда.

Қашқадарё вилояти топонимлари таркибида ўзининг топонимик хусусиятлари йўқ, ҳудуд ҳақида аниқ маъно-мазмун бермайдиган, тузилиши жиҳатидан оддий сўзлардан фарқ қилмайдиган Ўрнак, Сумак, Тадбиркор, Тараққиёт (қишлоқ, Китоб т.), Келдиҳаёт, Қаъни, Тепар (қишлоқ, Шаҳрисабз т.), Сарсон, Қаҳрамон (қишлоқ, Чироқчи т.), Тонг, Шакар (қишлоқ, Қамаши т.) каби номлар ҳам топонимик қонун-қоида ва меъёрларга мос бўлмаган номлардир. Сумак, Келдиҳаёт, Қаъни, Тепар, Сарсон, Қаҳрамон, Шакар каби номларнинг тарихий вақт давомида шакли ва шунга мос ҳолда мазмуни

ўзгариб ҳозирги ҳолатга келган. Мазкур тадқиқот ишида юқорида тилга олинган топонимларнинг қайта номланиши зарур эканлигини ҳисобга олиб, уларга номларнинг дастлабки, аниқ мазмун касб этувчи, шу ҳудуднинг географик хусусиятларини акс эттирувчи номлари таклиф этилди. Шунингдек, вилоятдаги Ўрнак, Тадбиркор, Тараққиёт, Тонг каби номлар ҳам номланиш қоидаларига мос бўлмасдан, ҳудуд билан ном ўртасида боғлиқлик англашилмайди ва топонимик жиҳатдан ўз вазифасини бажара олмайди. Шу туфайли бу топонимларнинг қайта номланиши ва қадимий, тарихий номларини тиклаш зарурати мавжуддир.

Вилоят ҳудудидаги Дарё, Тош, Кон каби номлар ҳам жойларга ном беришнинг қонун-қоидалари асосида ҳамда аниқ мазмун касб этиши мақсадида уларга топонимик индикатор ёки топонимик кўшимчалар қўшилиши лозим бўлади. Шу туфайли бу номларнинг қайта номланиши бўйича ишда тавсиялар берилган (1-жадвал).

1-жадвал

Қашқадарё вилоятида қайта номланиши тавсия этилаётган географик объектлар номларининг каталоги

Қайта номланиши керак бўлган топоним	Географик объект тури	Географик жойлашuvi	Географик координатаси	Таклиф этилган янги ном	Таклиф этилган номнинг илмий асосланиши
Келдиҳаёт	қишлоқ	Шаҳрисабз тумани	39°08 ¹ ш.к. 66°07 ⁹ ғ.у.з	Керайит	Дастлабки номи Керайит, этноним таркиби вақт ўтиши билан ўзгаришга учраган
Саҳвант	қишлоқ	Шаҳрисабз тумани	39°04 ¹ ш.к. 66°08 ¹ ғ.у.з	Сангбанд, Сангибанд	Дастлаб Сангбанд номи билан аталган, вақт ўтиши билан ном таркиби ўзгаришга учраган. Сангбанд – тош банди мазмунида
Тепар	қишлоқ	Шаҳрисабз тумани	39°00 ¹ ш.к. 66°08 ¹ ғ.у.з	Тўпор	Дастлаб Тўпор номи билан аталган, этноним таркиби вақт ўтиши билан ўзгаришга учраган
Сарсон	қишлоқ	Чироқчи тумани	39°14 ¹ ш.к. 66°03 ¹ ғ.у.з	Сарсанг	Тарихий номи Сарсанг, вақт ўтиши билан ном таркиби ўзгаришга учраган
Меҳнатобод	қишлоқ	Қамаши тумани	38°76 ¹ ш.к. 66°37 ¹ ғ.у.з	Еттиқудук	Амалдаги ном мазкур ҳудуд хусусиятларига мос эмас. Унинг тарихий номи тикланиши лозим
Бўтон	қишлоқ	Ғузур тумани	38°64 ¹ ш.к. 66°09 ¹ ғ.у.з	Бўтан	Дастлаб Бўтан деб аталган. Бўтан – чеккада, алоҳида жойлашган мазмунида
Тенгош	қишлоқ	Ғузур тумани	38°65 ¹ ш.к. 66°18 ¹ ғ.у.з	Ғармистон	Мазкур ном топонимик қоидаларга мос эмас. Тарихий номи тикланиши лозим. Ғарам - ўсимлик
Маърифат	қишлоқ	Ғузур тумани	39°07 ¹ ш.к. 66°04 ¹ ғ.у.з	Сийроқ	Тарихий номи – Сийроқ. Қадимий этник бирлик номи. Қадимий этнотопоним тикланиши зарур
Ўқотар	қишлоқ	Касби тумани	38°09 ¹ ш.к. 65°38 ¹ ғ.у.з	Ариқўтар	Дастлабки номи Ариқўтар. Ном тарихий даврлар давомида шаклан ўзгаришга учраган

Жадвалнинг давоми диссертация матнида келтирилган

Вақт ўтиши билан номнинг таркибида жиддий ўзгаришлар бўлган, дастлабки мазмун-моҳиятидан узоклашган Сурум, Нимги (қишлоқ, Китоб т.), Мактобод, Саҳвант (қишлоқ, Шаҳрисабз т.), Куба (қишлоқ, Қамаш т.) каби номларнинг тарихий номларини тиклаш зарурати борлиги учун уларнинг қадимий номлари билан қайта номланиши тавсия этилди.

Қашқадарё вилояти топонимларини қайта номлаш бўйича ишлаб чиқилган ва илмий асосланган *топонимик каталог* географик объектларга ном бериш ишларини мониторинг қилиш, улардан фойдаланишни стандартлаштиришга хизмат қилган.

Қашқадарё вилоятидаги шаҳар урбонимлари, яъни шаҳар таркибидаги кўчаларнинг номланишида ҳам бир қанча такрорланишлар кузатилади. Шу билан биргаликда “Географик объектларнинг номлари тўғрисида”ги қонуннинг 4-моддасининг учинчи қисми талабларига мос келмаган ҳолда кўплаб антропотопонимлар мавжудлигини кузатиш мумкин. Бу каби муаммолар ҳудудий комиссиялар ва унинг туманлардаги бўлимлари фаолиятида бажарилиши лозим бўлган кўплаб вазифалар мавжудлигидан далолат беради. Бу вазифаларнинг бир қисмини бажариш мақсадида мазкур тадқиқот ишида вилоятдаги қайта номланиши зарур бўлган айрим топонимларнинг (қишлоқлар номлари) қайта номланиши бўйича топонимик каталог ишлаб чиқилди. Қашқадарё вилояти топонимларини миллий қадрият сифатида асраш, муҳофаза қилиш, номлардан фойдаланишни стандартлаштириш юзасидан бажариладиган ишлар бўйича таклиф ва тавсиялар берилди.

ХУЛОСА

1. Вилоят топонимлари илк бор табиий географик жиҳатдан 12 та гуруҳга ажратиб ўрганилди. Географик номларни таснифлаш ишлари асосида вилоят топонимларининг мазмуни ва моҳияти, табиат ва ижтимоий муҳит ўртасидаги алоқадорлиги табиий географик жиҳатдан таҳлил қилинди.

2. Қашқадарё вилояти ороним ва гидронимлари асосан ҳудуднинг табиий географик хусусиятларига кўра номланган бўлиб, топонимик позитивлик, топонимик конверсия ва трансонимизация қонуниятлари асосида шаклланган. Вилоят ойконимлари эса барча турдаги топонимик қонуниятлар асосида шаклланган бўлиб, кўпроқ этник бирликлар номи номинация учун асос бўлиб хизмат қилган.

Қашқадарё вилояти гидронимларининг турлари, номланиш хусусиятлари, тарқалиш ареаллари ва бошқа ўзига хос хусусиятларига кўра вилоятда учта гидронимик ҳудуд шаклланганлиги аниқланди ва “Қашқадарё вилояти гидронимлари харитаси” яратилди. Ушбу харита асосида Қашқадарё вилояти гидронимларининг тарқалиш хусусиятлари вилоятнинг тоғ, текислик ва чўл, воҳа ҳудудларида фарқли жиҳатлари аниқланди ҳамда ҳудудий чегаралари ажратилди, топонимик хусусиятлари ёритилди.

3. Ороним, потамоним, лимноним, комоним, полисонимлар табиий географик жиҳатдан таҳлил қилинди, вилоят орографияси, ҳудуднинг

геологик тузилиши, гидрографияси ва бошқа турдаги географик хусусиятлари асосида топонимларнинг шаклланишида табиий географик терминларнинг роли аниқланди. Топонимлар таркибида энг фаол иштирок этган терминларнинг топонимлар турларидаги иштироки аниқланиб, олинган натижалар диаграммалар асосида кўрсатилди.

4. Вилоят топонимларини давлат экспертизасидан ўтказиш ва қатъийлаштиришга хизмат қиладиган “Қашқадарё вилояти гидронимлари харитаси”, “Фитотопонимлар ва зоотопонимларнинг тарқалиш харитаси”, “Қашқадарё вилояти оронимлари харитаси”, “Қашқадарё вилояти ойконимлари харитаси” ГАТнинг ArcGIS ва MapInfo дастурлари асосида яратилди. Ушбу хариталар асосида вилоят топонимларининг ҳудудий тарқалиши, уларнинг умумий хусусиятлари ҳудудлар доирасида ва баландлик минтақаланиши бўйича фарқланишини аниқланди.

5. Вилоят фитотопоним ва зоотопонимларининг табиий географик жиҳатлари, турлари ва уларнинг нисбати аниқланди. Ҳайвонларнинг тасвири ёки бирор белгисидан тотем сифатида фойдаланганлиги ва бунинг натижасида кўплаб ҳайвонлар номи топоним ясалишида асосий зоосимвол вазифасини бажариб берганлиги таъкидланди. Бу маълумотлар ўтмишда яшаган халқларнинг турмуш тарзини ва табиат компонентлари билан муносабатини ўрганишда, қадимий, йўқолган ёки йўқолиб бораётган ноёб ўсимлик ва ҳайвон турларининг ўтмишдаги яшаш жойларини тиклашда, ландшафт индикатор аҳамиятини ёритишда амалий аҳамият касб этади.

6. Вилоят ороним ва гидронимларининг табиий географик жиҳатлари, ҳудудий тарқалиш ва номланиш жиҳатларига асосланган натижалари, этимологияси, ороним ва гидронимларнинг ҳосил бўлишида табиий географик терминлар аҳамиятининг илмий асоси бошқа ҳудудлар топонимларини ўрганишда фойдаланилиши мақсадга мувофиқ.

7. Қашқадарё вилояти топонимлари таркибида қайта номланиши зарур бўлган, ҳудуднинг географик, ижтимоий ёки тарихий хусусиятларини акс эттира олмайдиган, тарихий номлари тикланиши зарур бўлган, топонимик қонун-қоидаларга мос бўлмаган номларни қайта номлаш бўйича топонимик каталог ишлаб чиқилди, таклиф этилаётган номнинг мазкур ҳудудга мослиги илмий асосланган ҳолда географик объектларга ном бериш ишларини мониторинг қилиш ва стандартлаштириш ишлари такомиллаштирилди.

8. Қашқадарё вилояти топонимларини миллий қадрият сифатида асраш, муҳофаза қилиш, номлардан фойдаланишни стандартлаштириш ва қатъийлаштириш юзасидан бажариладиган ишлар бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Тадқиқот ишида берилган таклиф ва тавсиялардан вилоят географик объектлари номларини муҳофаза қилиш ишларида фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ
ПРИ НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ УЗБЕКИСТАНА**

КАРШИНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

ЭШБОЕВ БЕХЗОД ТОЖИЕВИЧ

**ФИЗИКО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИССЛЕДОВАНИЯ
ТОПОНИМОВ КАШКАДАРЬИНСКОГО ВИЛОЯТА**

11.00.01 – Физическая география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам
гистрирована Высшей аттестационной комиссией при Кабинете Министров Республики
кистан за № В2019.2.PhD/Gr94.

Диссертация выполнена в Каршинском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме))
размещен на веб-странице Научного совета (www.nuu.uz) и на Информационно-образовательном
портале «Ziyo.net» (www.ziyo.net).

Научный руководитель:	Миракмалов Мирали Туранбаевич доктор географических наук (DSc), доцент
Официальные оппоненты:	Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич доктор географических наук, доцент Низомов Асрор кандидат геолого-минералогических наук, доцент
Ведущая организация:	Институт Сейсмологии АН РУз

Защита диссертации состоится 27 июля 2021 г. в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета по
при суждению ученых степеней DSc.03/30.12.2019.Gr.01.06 при Национальном университете
Узбекистана (Адрес:100174, г. Ташкент, ул. Университетская, дом 4. Тел:(+99871) 227-12-24,
факс: (+99871) 246-53-21, 246-02-24. E-mail: ik-geografiya.nuuz@mail.ru. Национальный
университет Узбекистана, факультет Географии и природных ресурсов).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Национального
университета Узбекистана (зарегистрирована за № 53). (Адрес: 100174, г. Ташкент, ул.
Университетская, 4.Тел:(+99871) 246-67-71.

Автореферат диссертации разослан «16» июля 2021 года
(протокол реестра №31 от «16» июля 2021 года).



Н.И.Сабитова
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.г.н., профессор

Ш.М.Шарипов
Член секретарь Научного совета по
присуждению учёных степеней,
к.г.н., доцент

З.Н.Таджиева
Председатель научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Географические названия становятся все более вовлеченными в международные связи и отношения между государствами мира, и при их применении возрастает необходимость в международной и национальной стандартной системе географических названий. Вопросам международной стандартизации топонимов придается большое значение группой экспертов ООН по географическим названиям (UNGEGN), Международным комитетом по ономастике (IGOS), Международной Организацией Стандартизации (ISO) и другими. В частности, группа экспертов ООН по географическим названиям (UNGEGN) создала многоязычную международную базу данных географических названий, которая содержит, в частности, более 200 названий государств и 3362 – городов¹. Эту международную базу данных необходимо постоянно совершенствовать и обновлять, а настоящая задача требует топонимических исследований и сбора географических названий внутри стран и их территорий.

Международными организациями мира при уточнении области применения географических названий, усилении внимания к их правильному написанию и произношению, разработке и внедрении четких критериев наименования и переименования географических объектов, обеспечении единообразия названий в документах, на картах и в других произведениях, отдается предпочтение использованию стандартизированных терминов. Поэтому считается особенно важным проведение региональных топонимических изысканий, создание международной и национальной базы данных географических названий, осуществление анализа их общей системы, организация исследований по выявлению их географических особенностей.

В Республике Узбекистан производятся работы по изучению географических названий, их правильному и рациональному использованию, составлению государственного реестра географических названий, усиливается внимание к их правописанию, произношению и охране. В Указе Президента Республики Узбекистан от 21 октября 2019 года № ПФ-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка»², в качестве важной задачи определена необходимость мониторинга и соответствия документам присваиваемых названий географических и других топонимических объектов.

Поэтому исследования физико-географических особенностей топонимов Кашкадарьинского вилоята, разработка конкретных предложений по наименованию и переименованию географических объектов, топонимическому картированию а также дальнейшему совершенствованию использования географических названий приобретают важное значение.

¹ <https://unstats.un.org/unsd/geoinfo/geonames>

² Указ Президента Республики Узбекистан «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка». г. Ташкент, 21 октября 2019 г., № УП-5850 - <https://lex.uz/ru/docs/4561747>

Диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5850 от 21 октября 2019 года “О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка”, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 984 от 12 декабря 2019 г. “Об утверждении Положения о департаменте развития государственного языка”, Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № 40 от 29 января 2020 г. “О мерах по организации деятельности Комиссии по терминам при Кабинете Министров Республики Узбекистан” и в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

